

ИНТЕРФАОЛ ТАМОЙИЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМИНИ ЎҚИТИШ

Технологик таълим кафедраси доценти в.б.

Сайфитдинов Анвар Садритдинович

Аннотация: Янги материални ўрганишни талаб қилиши билан бирга, олдинги ўрганилган материалларни, бошқа предметлардан олган билимларни ҳам такрорлашни ва уларни амалиётда қўллашни ўргатади.

Калит сўзлар: Интерфаол, объект, педагогика, услуб.

TEACHING TECHNOLOGICAL EDUCATION USING INTERACTIVE PRINCIPLES

Docent of Technological Education Department

Sayfitdinov Anvar Sadritdinovich

Abstract: While requiring the study of new material, it also teaches the repetition of previously studied material, knowledge gained from other premeds, and their practical application.

Key words: Interactive, object, pedagogy, method.

Бизнинг педагогик кузатиш ишларимизга кўра, Технологик касб таълимини ўқитишда, интерфаол материалларнитанлаш учун қуйидаги шартлар бажарилиши зарур бўлади:

1. Технологик таълимини ўқитишда танланган интерфаолматериал, мавзуга мос бўлиши, уни мохиятини, хусусиятларини аниқ ва равшан ифодалаши керак.

2. Танланган интерфаол материал нафақат кўргазма воситаси, балки ўқитувчи учун назарий билимларни чуқур ўзлаштирилишида методик ёрдам берувчи восита бўлиши ҳам зарур.

3. Бундай материаллар ўқувчиларда ўрганаётган объектни хар томонлама ўзлаштиришга имкон берувчи, шунингдек берилаётган билимлар яхлитлигини англашга, фан асосларига қизиқтиришни шакллантиришга барча фанлардан умумлашган билимларга эга бўлишга ёрдам бериши зарур.

4. Танланган интерфаол материал, хдр бир мавзу учун ўзига хос хусусиятларга эга бўлмоғи лозим.

5. Бундай материаллар, ҳозирги замон фан ва техникасини ривожланиш истиқболларини ифодалаши зарур.

6. Танланган интерфаол материал, ўрганилаётган объект ва уни ўрганиш воситалари, меодлари билан мослаштирилиши лозим.

Интерфаол таълим, ўқувчидан янги материални ўрганишни талаб қилиши билан бирга, олдинги ўрганилган материалларни, бошқа предметлардан олган билимларни ҳам такрорлашни ва уларни амалиётда қўллашни тақозо этади, Ҳозирги кундалик турмушнинг барча жабхаларида, касб, физика, техника ва бошқа табиий фанларнинг интеграцияси жараёнлари кенг қўлланилиб келинмоқда. Шунинг учун ҳам бўлажак мутахасис ўқитувчилар, мактабда умумтаълим предметлари бўйича кенг интерфаол билимлар билан қуролланган бўлишлари лозим.

Бунда ўқитувчи мақсадга йўналтирилган, услубий ва илмий асосланган ва ўқув материалларининг мазмуни, моҳияти бўйича умумлаштирилган интегратив материалларни танлашнинг принципларини билиши зарур.

Бинобарин, ўқитувчи нафақат дастурдаги мавзуларга оид интерфаол материалларни йиғиши, балки уни тизимлаштириши, улар билан ўқувчиларни дарсда ва дарсдан ташқари тўғарак машғулотларда таништириш мақсадида зарурий методларни излаб топиши лозим

Интерфаол таълим асосида ўқувчининг илмий дунёқараши кенгая боради ва динамик ривожланади.

Таълимдаги интеграцияни, турли фанлар бўйича билимларни ўрганишларини ягона мақсад асосида ўзаро боғланган ҳолда, ривожлантириш формаси деб қараш мумкин. Уни амалга ошириш мақсадида, касб таълими ўқитишда танланадиган интерфаол материаллар қуйидагиталабларга жавоб бериш лозим.

1. Танланган интерфаол материаллар, ўқувчиларнинг ёши, психо — физиологик хусусиятларига мос бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Бундай материаллар ўқувчи учун янгилик бўлган материалларни камраб олиши ва уларни изланувчанликка бўлган қизиқишни ортиш;

3. Танланган интерфаол материаллар ҳар доим ўқитишнинг мақсадига мос бўлиши

4. Интерфаол материаллар, ўқувчи тушунадиган оддий, содда тилда баён этилиши;

5. Ушбу материаллар нафақат ўқувчига билимларини мустаҳкам билиши, балки келгусида умуминсоний муаммоларни ҳал қилишда бевосита иштирок этиш маъсулиятини ҳис қилдиргувчи манба ролини ҳам бажариши зарур.

Биз Технологик таълими ўқитиш жараёнида физикага оид интерфаол материалларни танлашни қуйидаги йўналишлар бўйича олиб бордик:

1. Интеграция тарихига оид материалларни ўрганиш;

2. Интеграциянинг амалиётга қўлланилиши бўйича материаллар мазмунини ишлаб чиқиш;

3. Интеграция га оид ўқув тажриба топшириқларни ўрганиш.

Барча жамланган интерфаол мазмунидаги материаллар физикани ўқитишда, таълимнинг вазифалари ва шаклларини, дидактиканинг умумий тамойилларини ҳисобга олган ҳодда танланди ва тизимлаштирилди.

Технологик таълимидан интерфаол материалларнинг хажми кўп бўлса, у ҳолда УЎТМ дастури бўйича дидактик талабларига тўлиқ жавоб бера оладиганлари саралаб олинади.

Танланган интерфаол материаллар, ўқувчини асосий ўқув материалдан чалғитмаслик, балки мавзуни мустаҳкамлашга, билимларни чуқурроқ эгаллашга бўлган қизиқишларини опширишга, уларни амалиётда қўллашга ёрдам бериши лозим.

Интерфаол материалларда, замонавий ўқитиш техника ва технология асослари етарли даражада, ўқувчиларнинг билиши ҳамда қизиқиши ортади. Бу УЎТМ курси мазмунига қўйилган ҳозирги давр талабларидан келиб чиққан эиг муҳим танлаш мезонларидан биридир.

Биз Технологик таълими интерфаол материаллар асосида ўқитишда дидактиканинг қуйидаги тамойилларидан фойдаландик.

1. Физикани интерфаол материаллар асосида ўқитишда танланган материал, биринчи навбатда, дастурдаги мавзулари уйғун боғланган бўлиши, УЎТМ касб таълими фани олдида турган вазифаларини бажаришга имкон бериши керак.

2. Бундай материалда касб таълими ўзлаштирилиши лозим бўлган билимларни кенгайтириши, чуқурлаштирилиши, тарбиявий масалаларда самарадорлиги билан ажралиб туриши лозим.

3. Танланган интерфаол материал, илмий томонданишонарли ва тушунарли ҳамда педагогик мақсадга мувофиқ келиши ва қизиқарли бўлиши керак.

4. Ушбу материаллар, ўқувчининг ёш хусусиятлари ва уларнинг техник, табиий фанлар бўйича назарий тайёргарлиги инобатга олинган бўлиши зарур.

5. Танланган интерфаол материал, ўқувчиларнинг мустақил билим олишлари, ижодий ва илмий тадқиқот фаолиятлари учун асос бўлиб хизмат қилиши лозим.

Бундай ҳолларда, интерфаол ўқув материалларини структуралаштиришда ҳар иккала соҳа билимларни умумлаштириш принципини қўллаш яхши натижа беради.

Шуларни инобатга олган ҳолда, Технологик таълими дарсларида ва дарсдан ташқари машғулотларда, мазмунан кучли инсонпарварлик потенциалига эга бўлган техник тушунчалар билан интеграллашган билимлар асосида Технологик таълимини узлуксизлигини, фанлараро интеграцияга асосланган ҳолда амалга оширишни мақсад қилдик.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори Т. Ўзбекистон|| 1997й.

2. Дўстмухамедова Ш.А. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини бошқариш психологияси. – Тошкент, 2000. – 19 б.

3. Азизхужаева А. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Т. 2003й